

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасининг устувор жиҳатларига тўғаларкан, К.Варику, Бош вазир номзоднинг парламентда энг кўп ўрин эгаллаган партия томонидан илгари сурилиши, шунингдек Бош вазир номзоди парламент томонидан тасдиқланиши имконияти ва зарур бўлганда унга нисбатан ишончсизлик вотумини билдиришига доир таклифга алоҳида эътибор қаратди.

“Президент Ислон Каримов анчадан буён парламент ҳамда сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаш тарафдори бўлиб келмоқда. Президент ташаббуси рўйбга чиқса, мамлакатда сиёсий партияларнинг мавқеи, уларнинг ўз сайловчилари олдидаги масъулияти янада ортади. Мазкур янги тартиб-қоидалар давлат бошқарув тизими, шунингдек маърузада тилга олинган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган чоратadbирларни амалга оширишда яна бир муҳим қадам бўлади”, деди у, жумладан.

Ҳиндистон Халқаро масалалар кенгаши эксперти Н.Кунду Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуслари мамлакатни ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаб берадигани қайд этди.

“Ўзбекистон мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизimini босқичма-босқич эркинлаштиришга эришди. Мамлакатда сўнги ўн йил мобайнида маҳбуслар сони икки бараварга камайгани, “Хабеас корпус” институти жорий қилингани ва у самарали фаолият юритаётгани ҳақидаги далиллар шундан дарак беради. Ушбу жараёни амалга оширишда ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакатда чинакам инсонларвар суд-ҳуқуқ тизimini яратиш бўйича улкан аҳамиятга молик тadbирлар амалга оширилаётганининг ҳаётий тасдиғидир”, деди у.

Экспертнинг фикрича, Президент Ислон Каримов томонидан таклиф этилган суд тизимининг фуқаро ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган сифатидаги ролини мустаҳкамлашга доир устувор вазифалар рўёби Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизimini мустақил иттифоқ тизими меросидан, яъни, ўтмишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоячиси эмас, балки жиний жазо белгилувчи органларидан бири бўлган суддан ҳалос қилиш имконини берувчи яна бир муҳим қадам бўлади.

Ҳиндистоннинг таниқли «www.sarkaritel.com» ахборот-тахлилий веб-портали бош муҳаррири, Ўзбекистонга кўп бора сафар уюштирган А.Сатаевнинг эътирофича, “у кўплаб ўзбек ҳамкасблари билан ўтказган суҳбатларидан шундай хулосага келадигани, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари жамият ҳаётида энг муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари нафақат республика ва дунёда содир бўлаётган воқеалар ҳақида ахборот тарқатади, балки мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар ҳамда мамлакат олдида турган муаммоларни ҳам кенг ёритиб боради. “Ўзбекистонда журналистларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маданий-гуманитар ҳаётида етакчи ўрин тутганини кўриб, табиийки, бугунги демократик давлатда шундай бўлиши кераклигига амин бўлдим”, деди у.

Президент Ислон Каримовнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, телерадиоушатиш тизimini янада такомиллаштириш, шунингдек оммавий ахборот воситалари иқтисодий фаолияти барқарорлигини таъминлашга доир ташаббуслари ҳақида фикр юритаркан, Ҳиндистонлик эксперт ушбу ташаббусларнинг жуда муҳим ва долзарб эканини қайд этди. У Ўзбекистон Президентининг оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш лозим деган сўзларини қўллаб-қувватлади.

“Президент Ислон Каримов айна пайтда улкан натижаларга эришган Ўзбекистон сайлов тизimini такомиллаштиришни давом эттиришни илгари сурди, — деди **Дехли университетининг профессори Н.Руми**. — Ўтган йиллар давомида мамлакатда сайловлар жараёнида эркинлик

ва тенгликнинг чинакам кафилига айланган Марказий сайлов комиссиясининг роли анча мустаҳкамланди”.

— Ўзбекистон депутатликка кўрсатилган ҳорин-қиз номзодлар учун 30 фоизлик квота берилган, шунингдек, Экологик ҳаракат депутатлари учун парламентда қонунчилик миқёсида маълум миқдорда жой ажратилган санокли мамлакатлардан биридир, — дея алоҳида таъкидлади профессор Н.Руми.

Унинг сўзларига кўра, эришилган барча ютуқларга қарамадан, Президент Ислон Каримов сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, хусусан, сайлов кампанияси давомида барча номзодлар учун тенг имкониятлар берилишини таъминлаш тарафдоридир.

Ж.Неру номидаги университет профессори П. Бадан иқтисодий жиҳатдан Марказий Осиёнинг қудратли мамлакатларидан бири бўлган Ўзбекистон ўз иқтисодиётини эркинлаштириш ва диверсификациялаш, чет эл сармояларини жалб қилиш, саноат ва ишлаб чиқаришда янги соҳаларни ўзлаштириш борасида тизимли чора-тadbирларни амалга ошираётганини таъкидлади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРАДИ

Профессорнинг фикрича, Ўзбекистонда нафақат тadbиркорлар ва хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қиладиган, балки чиндан ҳам уларга қулай имтиёзлар берувчи мукамал қонунчилик базаси яратилган. “Ўзбекистон Президентини ўз маърузасида айтиб ўтган, мазкур соҳада қабул қилинган 400 дан зиёд қонунлар айнан мана шу мақсадларга хизмат қиладиган”, деди у, жумладан.

П.Бадан Президент Ислон Каримов томонидан баён этилган хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш тизimini такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаш борасидаги ташаббуслар ўта долзарбдир, дея таърифлади. Ҳинд профессорини янги ташаббуслар иқтисодий ислохотлар жараёнига, мазкур соҳада эришилган натижаларни инobatга олган ҳолда аниқ бошқаришга қаратилганига ишончи қонил эканини қайд этди.

Ўзбекистоннинг ички сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи ушбу Концепция Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонасида ўтказилган брифингга ҳам кенг муҳокама қилинди. Унда Мисрнинг ижтимоий-сиёсий, тахлилий ва ишбилармон доиралари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек Қоҳира университетиде тахсил олаётган ўзбекистонлик талаба-ёшлар иштирок этди.

Тadbирда Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасининг муҳим жиҳатлари тўғрисида ахборот берилди.

Брифинг катнашчилари мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Хусусан, **«Асия аль-Вуста» интернет наشري бош муҳаррири ўринбосари А.Фарук** ўз чиқишида мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президентини томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг муҳим омилли бўлган беш тамойилга эътибор қаратди. Ҳатто жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида ҳам қўлга киритилган улкан иқтисодий ривожланиш натижалари Президент Ислон Каримов томонидан олиб борилган сиёсатнинг тўғри эканини кўрсатади. Мисрлик экспертнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан сўнги уч йил мобайнида ялли ички маҳсулотнинг изчил ўсиб бораётганини тасдиқловчи кўрсаткичларнинг келтирилиши ўттилгани мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигидан яққол дало-

латдир. «Мазкур иқтисодий барқарорлик эса хорижий сармоядорларни Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритишга ундовчи жозибатор куч экани, шубҳасиз», деди у, жумладан.

А.Фарукнинг таъкидлашича, Ўзбекистон раҳбарининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган таклифлари, давлат ҳокимиятининг уч субъекти ўртасидаги ваколатларни янада мувозанатлаштирилган ҳолда тақсимлашга ёрдам беради. Президент Ислон Каримов томонидан таклиф этилаётган конституциявий ўзгаришлар мамлакат раҳбариятининг ислохотлар ва жамият ҳаётини босқичма-босқич демократлаштириш тарафдори эканини аниқлаб, ўтиш даврига хос турли ижтимоий бўҳронларнинг олдини олиш имконини яратади.

Унинг фикрича “Ўзбекистонда айна пайтда суд ҳокимиятини изчил мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончи ҳимоя қилишга қодир бўлган суд органлари мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган кенг қўламли чоратadbирлар амалга оширилмоқда”.

Ўзбекистон Президентининг ахборот соҳасидаги ислохотларга доир сўзларини шарҳлар экан, А.Фарук мамлакатимиз раҳбарининг сўз ва ахборот эркинлиги учун реал имкониятлар яратиш кераклиги ҳақидаги даъватини юқори баҳолади. Мисрлик журналистнинг таъкидлашича, барча демократик давлатда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ўзини фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида намоён этмоқда.

Шу маънода Ўзбекистон томонидан ахборот соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати жамиятнинг сиёсий ва маънавий ҳаётида журналистларнинг муносиб ўрнини таъминлашга, улар фаолиятининг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини кафолатлашга йўналтирилган. “Бу янги жамиятда “тўртинчи ҳокимият” вакиллари ролининг сезиларли даражада ортганидан дарак беради”, дея ўз шарҳини якунади А.Фарук.

Миллий тadbиркорлар маркази профессори, Тошкентдаги Миср маданият марказининг собиқ директори М.Мурси Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов ташаббуслари замон нуқтаи назаридан ўта муҳим эканини қайд этди. Хусусан, у Ўзбекистондаги хизмат фаолияти мобайнида кўп мартаба Ўзбекистон Президентининг маърузаларида иштирок этиш шарафига муяссар бўлганини, мазкур маърузалар ўзининг таъминоти ва аниқ мақсадга йўналтирилган теран моҳияти билан ажралиб туришини, бу эса, Президент Ислон Каримов маърузасининг дунё сиёсатчилари ва сиёсий экспертлар учун янада қизиқарли бўлишини алоҳида таъкидлади.

Шу муносабат билан М.Мурси Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси Ўзбекистонда демократияни ривожлантириш тарихида ўзига хос туб бурилиш ясашига ишонч билдирди. Зеро, унинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг мамлакат қонун ҳужжатларига муайян ўзгариш ва қўшимчалар киритиш борасидаги таклифлари ўз вақтида айтилган бўлиб, бугунги кун талабига тўлиқ жавоб беради.

Миср Араб Республикаси савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари, “Ўзбекистон-Миср” дўстлик жамияти аъзоси Х.Абулай-найннинг таъкидлашича, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишда ўз йўлини танлаб олди ва бу йўлдан оғишмай нурафшон манзил сари шаҳдам оидимлаб бормоқда.

Х.Абулайнайннинг мулоҳазасига кўра, салкам 20 йил мобайнида Ўзбекистон сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида давлат ислохотларнинг бош ташаббускори сифатида майдонга чиқди. Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатда давлат иқтисодий тараққиётининг муҳим омилли бўлган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорлик ҳамда фуқаролар ҳамжиҳатлигининг сақланишини таъминлашга эришди.

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

«SAVO» ПОЙАБЗАЛЛАРИ

Сифатли ҳамда чидамли пойабзалнинг харидори ҳам кўп бўлади. Бунинг учун эса экологик тоза, талабга яраша мустаҳкам хом ашёлардан фойдаланиш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришда самарали қўллаш яхши натижа беради.

Табиий ва сунъий чарм асосида тайёрланаётган замонавий дизайндаги маҳсулотлари билан ички бозорда ўз ўрнига эга «Savo roayfal» масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда мижозларга эркаклар, аёллар ва болалар оёқ кийимларининг янги моделларини тортиқ этмоқда. Албатта, маҳсулот сифатида эришишда юксак унумли технология яхши самара берапти.

— Чехия ва Германиянинг машҳур фирмалари ускуналари билан жиҳозланган цехларда йилига 100 минг жуфт пойабзал тайёрлаш имконияти мавжуд, — дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Муҳаммадали Расулов. — Малакали дизайнерлар гуруҳи томонидан моданинг сўнги тенденцияларига амал қилинган ҳолда янги моделлар яратилади. Бунинг учун ички ва ташқи бозор ўрганиб борилади. Шу боис ҳам ҳар бир мавсумда рақобатбардош маҳсулотлар билан харидорларни мамнун этмоқдамиз.

Пойабзал моделларини яратишда корхонада мавсумга қараб, икки йилда иш олиб борилади.

СИФАТ ВА ТАЪМ МУЖАССАМ

Қандолат маҳсулотларида сифат ва тотли таъмининг муҳассамлиги бюортмалар кўпайишида ўзига хос аҳамиятга эга.

Шунинг баробарида унинг харидорга қандай этиб бориши, яъни қадоқланиши ҳам ниҳоятда муҳимдир. Чиройли ва бежирим қадоқланган маҳсулот албатта эътиборни жалб этади. Бу борада тadbиркорлик билан иш юритаётган қандолатчиларнинг изланишлари ўз натижасини кўрсатмоқда.

«Файз Декор Бизнес» кўшма корхонасида ранг-баранг ширинликлар ишлаб чиқаришда хориж техникаси ва технологияларидан фойдаланилмоқда. Ички бозорда харидорини топаётган шоколаду конфетлар Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон сингари давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Келгусида ҳамкор давлатлар сафини ошириш, қандолат маҳсулотларини Болтиқбўйи мамлакатлари, Россия ва Украинага ҳам сотиш кўзда тутилган.

Аҳоли дастурхонига файз бағишлаётган «Шохона таъм», «Люкс», «Олтин сандиқча» сингари шоколадлар, чиройли кутиларда қадоқланган бошқа ширинликлар харидорлиги билан ажралиб туради. Маҳсулотларга талабнинг ортиб бориши эса ишлаб чиқариш ривожини таъминламоқда. Жорий йилда бир нечта янги маҳсулот турлари жорий этилди. Айна пайтда цехларни кенгайтириш, янги технология линиялар ўрнатиш тараддуди кўрилмоқда.

СУВ ТОЗАЛАШ УСКУНАЛАРИ

Буюртмаларни тез ва соз бажариш, талаб ва таклифларни инobatга олиш, энг муҳими – сифатга эътиборли бўлиш корхона ривожини таъминлаши, шубҳасиз.

Фавворалар ҳамда сузиш хавзаларига мўлжалланган жиҳозлар, сув тозалаш ускуналарини буюртмага кўра тайёрлаб бераётган «Pure Stream» масъулияти чекланган жамиятида ўн нафардан зиёд тажрибали мутахассис меҳнат қиладди. Корхонада металл хом ашёсидан ностандарт ускуналарни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Маҳаллий хом ашёни қўллаб билиш сифат ортиниш ва таннарх арзонлашувига асос бўлмоқда. Дарҳақиқат, корхона маҳсулотлари четдан келтириладиган худди шундай товарлар билан бемалол рақобатлашмоқда.

Бугунги кунда бунёдкорлик ишлари қўламли ортиб, кўплаб замонавий сузиш хавзалари қад ростламоқда, фавворалар ўзгача файз бағишламоқда. Бу эса корхона маҳсулотларига талабни ошириши тайин, албатта. Шулар инobatга олинган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, эҳтиёжни қондиришга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

Шарифат БАҲРОМОВА

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Пойтахтимизда ҳакамлик судлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда юртимиздаги ҳакамлик судлари, молия муассасалари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда хорижий компаниялар вакиллари иштирок этди.

Тadbирда Ўзбекистон ҳакамлик судлари ассоциацияси раиси И.Домингов, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори И.Венцель Ўзбекистонда фуқаро ва ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий манфаатларини қонуний ҳимоя қилишда демократик тамойиллар ва халқаро ҳуқуқ нормалари

лари бўйича юзага келадиган даъволардан ташқари, ҳакамлик суди муҳокамасига берилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда пайдо бўладиган даъволарни ҳам келишув асосида кўриб чиқади.

— Ўзбекистонда низоларни кўриб чиқиш механизми халқаро стандартларга тўла жавоб бериши ҳамкорликни кенгайтиришимизда муҳим омил бўлмоқда, — дейди ЎзА мухбирига Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг иқтисодий лойиҳалари раҳбари Каролина Мелов. — Ҳакамлик судлари фаолиятининг ривожланиши иқтисодий вазиятни яхшилашга ва кичик бизнесни фаоллаштиришга кенг йўл очмоқда.

Тadbирда ҳакамлик судларини рўйхатга олиш тартиби, арбитраж судларнинг ривожланиш истиқболлари, чет эл арбитраж судлари билан ҳамкорлик, ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштиришга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Сайёра ШОЕВА

Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти иқтидорли талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида хайрли ишларга яқиндан бош қўшиб келмоқда.

Алоқа

ЖАМИЯТ СТИПЕНДИАТЛАРИ

Фаол талабаларни рағбатлантириш мақсадида жамият стипендияси таъсис этилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети, шу олий ўқув юртининг Самарқанд ва Фарғона филиалларида тахсил олаётган алоқи талабалар жамият стипендиясига сазовор бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни мустақам дўстлик ришталари ҳамда иқтисодий алоқалар боғлаб туради.

Олий ўқув юртларида

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЖАБҲАЛАРИ

ликнинг ривожланишига қўйилган яна бир қадам бўлди.

Шу муносабат билан икки олий ўқув юрти ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзолаш маросими ҳам ўтказилди. Тадбирда Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Джон Де Ван, мамлакатимиздаги «Синхан» банки вакили Джонг Жи Хо, «Десан интернешл» компанияси бош директори Син Хён Квон, бошқа корейлик меҳмонлар қатнашди.

Шартномага мувофиқ ҳамкор тарафлар халқаро таълим, илмий изланиш ва корей тилини ўқитиш бўйича конференциялар ташкил этиш, тадқиқотчилар, талабалар ва ўқитувчиларни айирбошлаш ва ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда илмий дастур-

ларни тайёрлаш ва амалга ошириш ҳақида келишиб олишди.

Жанубий Кореянинг Ўзбекистонда фаолият юритаётган қўшма корхоналарида ишлаш учун корей тилини ўрганишга бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Бундан ташқари, мазкур давлат олий ўқув юртлари магистратура ва аспирантурасида ўқишни хоҳловчилар сони тобора кўпаймоқда. Бу ниятларни амалга ошириш учун аввало корей тилини билиш талаб қилинади. Бинобарин, Тошкент автомобиль-йўллар институти негизда янги ташкил этилган корей тилини ўқитиш маркази алоҳида ўрин тутуши, шубҳасиз.

Эркин ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Тошкент автомобиль-йўллар институти бўлим бошлиғи

ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИК БУРЧИ

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Асосий Қонунимизда ҳам давлат халқнинг манфаатларига хизмат қилиши, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги белгилаб қўйилган.

Адлия идоралари фаолиятида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган зарарни қоплаш, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чора қўриш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан фуқароларнинг муносабатлари ўз вақтида ижобий ҳал этилишига эришилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бўлимга тушган 268 та шикоят тўлиқ қаноатлантирилиб, 32 та муносабат қисман асосли деб топилди. «Ишонч телефони»га бўлган 42 та муносабат бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Муносабатларни қўриб чиқиш ва режа асосида ўтказилган ўрганишлар натижасида судларга киритилган деярли 197,7 миллион 427 та даъво аризасидан 98 фоизи ижобий ҳал қилинди. Айни пайтга қадар суд қарорларининг 97 фоизи ижроси таъминланди. Беvosита мансабдор шахслардан ундиришга қаратилган 1,7 миллион сўмлик тўртта даъво аризасидан учтаси қаноатлантирилди. Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан киритилган 30 та тақдимнома бўйича деярли тўлиқ ижро таъминланиб, фуқароларга 150,4 миллион сўм маблағ қайтарилди.

Қўлланилган таъсир чораларига асосан қонунбузилишларга йўл қўйган 31 нафар масъул ходим интизомий жавобгарликка тортилиб, шундан беш нафари ўз вазифасидан озод этилди. Маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан киритилган 24 та тақдимнома бўйича 15 нафар шахсга нисбатан маъмурий чора қўлланилди.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Чилонзор туманидаги «Новза» маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Авдееванинг «AI Plast System» хусусий корхонаси ишчи-хизматчиларига ойлик маоши банк ходимлари томонидан ўз вақтида ўтказиб берилмаётганлиги юзасидан «Ишонч телефони»га қилган муносабатига тасдиқланиб, Ўзсаноатқурилишбан-


кага тақдимнома киритилди. Шундан сўнг корхона ишчи-хизматчиларига ойлик маоши тўлаб берилди. Қонун бузилишига йўл қўйган Ўзсаноатқурилишбанкнинг амалиёт бошқармаси бошлиғи Б.Раззақовга нисбатан 2010 йил 16 март куни банк бўйича асосан Меҳнат кодексининг 181-моддасининг 1-банди бўйича хайфсан чораси қўлланилган.

Миробод тумани, Нукус кўчаси, 3/1-уй, 53-хонадонда яшовчи фуқаро А.Лешена Халқ банкининг Миробод филиалига қарашли 19/1090-газнасидан 2009 йил июль ойидан буён нафақа пулини ололмаётганлигидан норози бўлиб, «Ишонч телефони»га муносабат қилган. Банк филиалига киритилган тақдимнома асосида фуқаро А.Лешенага нафақа пули тўлаб берилиб, кассир З.Файзибоевага нисбатан ўз фаолияти давомида йўл қўйган хато ва камчиликлар учун жарима жазоси тайинланган.

Ўтган тўққиз ой ичида Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган 46 та корхона-ташкilotларда ўтказилган ўрганишлар натижасида 4.995 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Чунончи, «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамияти ўрганилганда, ойлик маошлар бўйича қарздорлик мавжудлиги маълум бўлди. Ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида корхонага киритилган тақдимномага асосан 2678 нафар ишчи ва хизматчи-га деярли 397,5 миллион сўм миқдорида ойлик маоши тўлиқ ундирилди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамиятимизнинг бош мақсади саналиб, унинг амалда тўлиқ таъминлашда нафақат масъул идоралар, балки фуқароларнинг ҳам алоҳида масъулияти бор. Фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб, уни амалга оширишга ҳаракат қилса, бу унинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалигидан дарак берибгина қолмай, қонунларимизга оғишмай амал қилишга ҳам ундайди.

Алишер ПИРМАТОВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлим бошлиғи



Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида рангасвир устаси Владимир Чубнинг 70 йиллигига бағишланган шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмалар

ИНШООТЛАРДА АКС ТОПГАН ТАСВИР

Кубанда туғилган рассом «Бахт учун макон» мавзусидаги кўргазмада расsom устасонаси, шунингдек Бадий кўргазмалар дирекцияси ва Давлат санъат музейи фондларида сақланаётган асарлар намойиш этилмоқда. Тошкентда яшашга қарор қилиб, ўзининг серкюрра истеъдодини намойиш этди.

Владимир Чубнинг тажрибаси меъморчилик ва маҳобатли рангасвир билан уйғунлашиб кетганлигини Тошкент аэропорти, «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ўз аксини топганлигини қўриш мумкин. Ушбу иншоотларда муаллиф иссиқ энкаустика техникасини татбиқ қилиб, халқаро патентга ҳам эга бўлади.

«Бахт учун макон» мавзусидаги кўргазмада расsom устасонаси, шунингдек Бадий кўргазмалар дирекцияси ва Давлат санъат музейи фондларида сақланаётган асарлар намойиш этилмоқда. Тошкентда яшашга қарор қилиб, ўзининг серкюрра истеъдодини намойиш этди.

И.ДИЛШОДОВ
Алексей Попов олган суратлар

хассис тавсиясига кўра амалга оширилсагина, ижобий ўзгариш юзага келиши мумкин. Табиий воситалар, доривор гиёҳлар, асал ва витаминларга бой мевалардан фойдаланиш самаралидир, албатта. Лекин «халқ таботати» деб аталган турли хил даво усуллари ҳам эҳтиёткорлик билан ёндошишни кўпни кўрганлар эслаб ўтади.

Яхши сўз — ярим даво, деган эди Ибн Сино. Букрот ва Ибн Синодан бошлаб доноларимиз таботатнинг муҳим воситаси сифатида сўзнинг сеҳри ва қудрати ҳақида таъкидлаб ўтишган. Шунинг ҳам биламизки, кўп ҳолларда беморлик носоглом оила муҳити, ишонадаги нохушлик таъсирдан пайдо бўлади. Ёмон сўз, биринчи навбатда, юракка таъсир қилади, асаб бузилади. Аксар касалликлар эса асаб бузилишидан бошланади.

Ширинсўзлик ва самимият, ўз ўрнида, энг яхши дори-дармоннинг ўрнини босиши муқаррар. Беморга «Тезроқ тузалинг», «Кўринишингиз анча яхши, бу муолажанинг самарали кечаётганидан далолатдир, ҳадемай сафимизга қайтасиз...» сўзларини ишонарли тарзда айтишимиз лозим. Бемор ишонсин, зиндадиллик ва ҳаётсеварлик нури чехрасида балқиб, бебаҳо неъмат — соғлиқни қайта қўлга киритаётганидан ўзини бахтиёр ҳис этсин.

Муҳаммад ШОДИЙ

Санъат

ИЗЛАНИШДАГИ КЕНГ ИМКОНИАТЛАР

Ҳозирги бадий жараёнда замонавий тасвирий санъатнинг янги ифода услублари ҳам тараққий этиб келмоқда. Ижодкор рассомлар, ўз навбатида, чуқур фалсафий мушоҳадаларни, гоё ва фикрларни ўзига хос бадий йўналишда намойиш этмоқда. Мамлакатимизда айнан видеоарт, поп-арт, перформанс, инсталляция, фотоарт ва бошқа долзарб санъат воситалари рассомларга эркин ижодий изланишларда кенг имкониятлар яратмоқда. Халқаро ва республика кўргазмалари, хорижий ва ўзбекистонлик рассомларнинг ўзаро тажриба ва фикр алмашиши тасвирий санъат тараққийида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу борада «Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми» фонди, Ёшлар ижод саройи томонидан Гёте институти билан ҳамкорликда видеосанъат жанрида ижод қилувчи таниқли рассомлар Ян Вербекек ва Аки Наказавани пойтахтимизга амалий ва назарий машғулотларни ўтказиш учун таклиф қилингани ҳам айниқса ёшларимизга янги изланишларда маҳорат мактаби бўлди.

Ҳаракатдаги тасвирлар ва овозлар кетма кетлиги рассомлар, талабалар ва видеоартни ўрганувчилар учун табиат, атроф-муҳит, иқлим, маданий ҳаёт ва аъёнларга йиллар давомида инсон боғлиқлигини қўриш имкониятини беради.

Машғулотлар натижалари сифатида Ёшлар ижод саройида ташкил этилган «Иқлим ва санъат» номли кўргазмада видео-арт ва видео-инсталляция санъат асарлари намойиш этилди. Кўргазмада Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва ўзбекистонлик рассомларнинг ўзига хос ижодий асарлари ўрин олди. Ижодкорлар ўз нигоҳида олам, унинг гўзаллиги ва ҳимоя этиш муносабатларини эстетик тарзда ифода этган.

Ўзбекистонлик ёш рассомлардан Мунира Алимұхамедованинг «Микроклим» видео-арт лойиҳаси ўзига хос оригинал тасвир лавҳалар уйғунлигини видео ва техник эффекти билан томошабиннинг диққатини тортади. Ижодкор ўз онгини, қалб оламини кескин динамик лавҳалар орқали қўрсатишга ҳаракат қилган. Ёш мусаввирлардан Раиса Дорошина «Мерос» ва Дарья Сорокина «Ришталар» номли видеолойиҳаларда инсоний муносабатлар, замин ва ундаги парвозларга, ота-оналардан фарзандларга мерос сифатида қолдирилаётган қадриятлар, аъёнлар гоёсини илгари сургун.

Бундай кўргазмалар ўтказилиши Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатининг тараққийида далолат беради. Рассомларни ижодий парвозларга, янги ифода услубларини кашф этишда ҳамда инсон тафаккурини қамраб олган оламининг намойиш этишда индивидуал дастхатни ҳосил қилади. Шунинг ҳам айтиш жоизки, мазкур кўргазма иштирокчилари қизиқарли видеоарт инсталляцияларини эндиликда Душанбе ва Олмаота шаҳарларида намойиш этмоқда.

Зухра РАХМАТОВА,
санъатшунос

МУМТОЗ МУСИҚА

Яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясида Й.Гайдн, В.Моцарт ва Л.Бетховен асарларидан тузилган концерт дастури намойиш этилди.

Концертда жаҳон классикасида алоҳида ўрин тутган бастакорларнинг фортепиано ва оркестр учун тузилган қўйилари халқаро танловлар ғолиби Сайёра Фафурова ва Ўзбекистон давлат консерваторияси симфоник оркестри дирижёри Азиз Шоҳамимов томонидан юксак маҳорат билан ижро этилди.

Ҳаммамизга маълумки, бу атоқли уч бастакорнинг ижоди нафақат Фарбий Европа санъати, балки дунёнинг барча қитъаларида ҳали-ҳануз севиб тингланади.

Й.Гайдн, В.Моцарт ва Л.Бетховен айниқса чолғу мусиқа ҳаётида жуда баракали ижод қилган. Бунга уларнинг камер ансамбллари учун юзага келган трио, квинтет, квинтет, фортепиано учун соната, концерт ҳамда оркестр учун ёзилган нобб симфонияларини мисол қилиш мумкин.

Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтган концерт дастури ҳам мумтоз мусиқани соғинган қалбларга ўша давр нафасини бахш этган бўлса, ажаб эмас. Бундай тадбирларни доимий равишда ўтказиб туриш талабалар ижодининг янада шаклланишига ёрдам беради.

Беназир БОЙСИНОВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси

ИЖОДИЙ КЕЧА

Куни кеча Муқимий номидаги давлат мусиқали театрида кўп йиллардан бери ёшларга устозлик қилиб келаётган Мирза Азизов, Малика Қайумова ва Мақсуда Отажоновалар ижодига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Ўзи қўллаб шогирдлар тайёрлаган бўлсада, Мирза Азизов ўзининг устозлари ҳақида илиқ фикрлар билдирди, шунингдек халқ қўшиқларидан ва жаҳон операси «Фигаронинг иши» ариясидан парча қўйлаб, кеча иштирокчиларининг дилларини хушнуд этди.

«Супер қайнона» спектаклида бош ролни ижро этган Малика Қайумова «Она» ҳақидаги монолоғи томошабинларнинг қалбини ларзага солди десак, муболаға бўлмайди: барчаннинг кўзига ёш келди.

Мақсуда Отажоннова эса «Супер қайнона» спектаклида ижро этган Маъсума келин образи ҳақида сўзлаб берди. Кеча сабабчилари «Хотинимнинг иш савдоси», «Нурхон», бошқа бир нечта спектакллардан парча ижро этилди. Айтиш жоизки, ҳозирги кунда бу актёрлар миллий сериалларда ҳам ёрқин роллари билан танилмоқда.

Лайло ФАЗЛИЕВА,
Тошкент давлат миллий ракс ва хореография олий мактаби талабаси

Иссиқ жон эканмиз, бемор бўлиш ва ётиб қолиш дамлари ҳам бўлади. Бундай вазиятда шифокор далладир. Яхши парварши, дори-дармон билан бирга соғлигимизни тиклаб олишимиз учун яна нима бизга кўмакдош бўлади? Албатта, меҳр-оқибат. Бундай ҳолларда қариндош-уруғлар қалби тубида ётган меҳр ва соғинч ҳисси билан уйғунлашган алланечук туйғу уйғониб, тезроқ дийдорлашишга ундайди.

Даволанаётган, айниқса узок муддат тўшаққа миҳланиб қолган бемор юрагига яқин кишини кўрса, боши осмонга етади, бир зум бўлсин, хасталигини унутди. Ёлғизмаслиги, жонига оро кирадиган меҳр-оқибатли одамлар курсовидалигидан унинг руҳи кўтарилди. Касалликни энгиб ўтиш, жўшқин ва кувончли ҳаётга тезроқ қайтиш учун ўзида қандайдир куч топаётгандек бўлади.

Одам тафтини одам олади, деган гап бор. Касал кишининг аҳволи ҳаммамизга маълум. Шундай дамларда бемордан хабар олиш, унга қараётган яқинлари кўнглига қувват бўлиш инсоний вазифамиз. Имкон қадар шундай бурчимизни бажо келтирсак, ўзимизни энгил ҳис этамиз.

Бирок беморбинликда ҳам ўзига хос қоида, одоб мезони бўлади. Маданиятли киши, албатта, буни тўғри тушуниб, унга амал қилади. Тиббиёт илмининг султони Ибн Сино бемордан хабар олиш хусусида қимматли маслаҳатларини баён этиб ўтган. Муайян ва мавридлик вақтда касалдан хабар олгани бориш, алломанинг фикрича, жуда муҳимдир. Соғлом турмуш тарзи шартларига риоя этиб,

умргузаронлик қилаётган шахсларнинг ҳаётида кун тартиби ўзига хос ўрин эгаллайди. Биламиз, шифо масканларида бунга алоҳида эътибор берилади, яъни белгиланган фурсатдагина даволана-

Турли хил касалликлар бор: юрак-қон томир, асаб тизими... Хасталикка чалинган беморга, биринчи навбатда, осийиштак зарур. Тасаввур қилинг: оромини бузиб, қариндош-уруғ, кўни-кўшни-

Ҳаётини ибратлар

ШИРИНСЎЗЛИК ҲАМ ЎЗ ЎРНИДА БЎЛСИН

ётган бемор билан дийдорлашиш мумкин.

Уй шароитида муолажа олаётган бемор дўстимизни эса хоҳлаган вақтимизда бориб кўриш кўпчилигимизга одат бўлиб қолган. Унинг эшиги биз учун ҳаммиша очик-да... Бемаврид бостириб кириш, белгиланган тартибга риоя этмаслик эса касални безовта қилиб қўйиши мумкинлиги баъзида ҳаёлимизга келмайди. Бевақт ташрифимиздан ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун бемор хонадонига боришдан олдин ўйлаб олишимиз даркор: қулай вақтни танладикми?

лар олдинма-кетин унинг ёнига киришяпти... Гоҳида касалдан хабар олгани боранлар билиб-билмай турли-туман дорилар қабул қилишнинг маслаҳат беради. Ишонган бемор маъқуллаб, ўзини таботаб қилишга киришади. «Кўча тавсиялари»ни уйда татбиқ этиш эса аянчли ҳолатларга олиб келиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Ҳамиша ёдда тутишимиз даркор: аниқ ва ақлли фикр ва маслаҳатни фақат соҳа мутахассиси — шифокор бера олади. Овқатлини меъёрига риоя этиш, шу йўсинда нима ейиш ва қай тарзда истеъмол қилиш, ни-мадан парhez тутуш фақат мута-

Ижтимоий лойиҳалар

МЕДИА-МАҲСУЛОТЛАР ФЕСТИВАЛИ

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги медиа-форум доирасида ижтимоий мавзудаги медиа-маҳсулотлар III миллий фестивали ўтказилди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, уларни эркинлаштириш, нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини жонлантириш, жамиятимизда юз бераётган воқеликни ошқора ва холис тарзда ёритишнинг замонавий электрон медиа-тизимини яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда таъкидлаб ўтилганидек, ижтимоий мавзудаги медиа-маҳсулотлар фестивалидан кўзланган мақсад ҳам электрон оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб салоҳиятини янада юксалтириш, долзарб мавзуларда тайёрланаётган телерадиоматериаллар сифати, савияси ва таъсирчанлигини ошириш, мазкур йўналишдаги илғор иш тажрибасини оммалаштиришдан иборат.

Жорий йил фестивалига юздан ортқ муаллифдан тўрт юздан зиёд ижодий иш тушган. Бу нодавлат электрон медиа-

тармоқлар фаолияти такомиллашиб, ҳудудий нодавлат телерадиостанцияларнинг эфир вақти ижтимоий аҳамиятга молик кўрсатув ва эшиттиришлар билан бойиб бораётганидан далолатдир.

Тадбир, деб хабар беради «Туркистон-пресс», Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Бош прокуратура, Адлия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фестивалда турли номинациялар бўйича голиблар аниқлаб, диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА



Бўлажак фазогирлар.

Владимир Гранкин олган сурат

Россияда универсал жанг бўйича уюштирилган XI жаҳон чемпионати мамлакатимиз вакиллари учун омадли якунланди.

РОССИЯДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Курраи самининг кўпгина давлатларидан ташриф буюрган спортчилар иштирокида ташкил этилган ушбу нуфузли турнирда терма жамоамиз вакиллари биттадан олтин ва кумуш ҳамда иккита бронза медалларини қўлга киритишди.

Кувонарлиси, 95 килограмм вазн тоифасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Дилшод Субҳонов барча рақибларидан маҳоратли ва кучли эканлигини намойиш этиб, биринчи ўринга сазовор бўлди ва жаҳон чемпиони деган шарафни ном эгасига айланди.

Шунингдек, ҳамюртларимиздан Жамол Омоновга кумуш медаль насиб этган бўлса, Нуриддин Долимов ва Сирожиiddин Эшонбоев бронза медаллари билан кифояланишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Спорт янгиликлари

МУАЙТАЙЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Таиландда муайтай бўйича ёшлар ва катталар ўртасида дунёнинг саксондан зиёд давлатидан кучли спортчилар иштирокида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз ўн бир медални қўлга киритди.

Ҳамюртларимиздан вазни 91 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида Юсуф Иброҳимов, 48 килограмм оғирликдаги муайтайчилар ўртасида Анвар Холжўжаев олтин медални қўлга киритди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Жобир Тошпўлатов, Илҳом Раупов, Фулом Ҳалимов, Лочин Миролимов кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, яна беш на-

фар спортчимиз бронза медалга эгалик қилди.

ЎзА хабарига кўра, жаҳон чемпионати доирасида Халқаро ҳаваскор муайтайчилар ассоциациясининг (IFMA) Бош ассамблеясида муайтай бўйича 2011 йилги жаҳон чемпионати Ўзбекистонда ўтказилиши маълум қилинди.

Байрам АЙТМУРОДОВ

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

ГАЗДАН Фойдаланишда Эҳтиёткорлик зарур

Республикаимиз ҳудудида табиий газдан ноқонуний фойдаланиш, айниқса айрим фуқаролар томонидан иссиқхона, новвойхона, сомсахоналар ва бошқа мақсадларда табиий газни рухсатнома олмасдан, ўзбошимчалик билан улаб ишлатиш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса аҳоли учун мўлжалланган газ миқдорининг етишмаслигига ҳамда нотўғри фойдаланиш оқибатида газ билан боғлиқ ёнгинлар ва портлаш ҳолатларининг юз беришига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 16 июндаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010/2011 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилаётгани муносабати билан табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини ўрганиб чиқиш мақсадида ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари, ҳокимлик, прокуратура, солиқ инспекцияси, газ идоралари ва жа-

моатчилик вакиллари билан биргаликда хонадонларда ва иш жойларида тўрт мингдан зиёд қўшма рейдлар ўтказилди, деярли 26 мингга яқин газ тақсимлаш шохобчаси текширилди.

Агарда жорий йилнинг ўтган ўн ойини таҳлил этадиган бўлсак, айнан газ эскуна ва мосламаларидан фуқароларнинг нотўғри фойдаланиши, ота-оналар ёш болага ишониб, газ ускунасини ишлатишга рухсат бериши, газ плиталаридан иситиш мақсадида фойдаланиш, бошқа лоқайдликлар оқибатида 1760 дан зиёд ёнгин юз берганига гувоҳ

бўламиз. Ёнгинлар оқибатида 180 нафардан кўп фуқаро турли хил даражада куйиш тан жароҳати олиб, касалхоналарга ётқизилган. Шулардан 23 нафарини болалар ташкил этади. Ёнгин ачинарлиси – 26 нафар фуқаро (шу жумладан уч нафари ёш бола) бешафқат ёнгинлар чангалида ҳаётдан кўз юмган. Ёнгин талафотлари оқибатида келтирилган моддий зарар ҳақида айтмасам ҳам бўлади.

Дарҳақиқат, ёнгинлар оқибатида кулга айланган уйлар оилаларни бошпанасиз қолдирмоқда. Ваҳоланки, оловни бошқариш, ундан иситиш ёки таом пилириш, бошқа мақсадларда тўғри фойдаланиш инсонларнинг қўлида. Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўтказилган тарғибот ишларига озгина эътибор қаратиб, хавфсизлик қоидаларига доимо риоя қилинса, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинган бўлар эди.

Ж. САЛОҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон ИИБ ЁХББ
мухандиси,
катта лейтенант

Кейинги йилларда шахримизда кўпга кўркам бино ва иншоотлар қад ростламоқда. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида соҳа вакиллари томонидан объектларда лойиҳалаш давридан то қуриб битказилгунга қадар қурилиш меъёрлари ва қоидалари асосида ёнгинга қарши чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан қаттиқ назорат ўрнатилди.

ЗИММАНГИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ УНУТМАНГ

Бунга мисол сифатида фойдаланишга топширилган янги корхона ва ташкилотларни келтириш мумкин. Аммо, афсуски, тарғибот ишлари кучайтирилишига қарамай, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари ҳамон учраётди. Хусусан, янги қурилиш масканларидаги ишчиларнинг вақтинча яшаш уйларида қўлбола электр иситгичлари ва газ қурилмаларидан фойдаланиши натижасида ёнгинлар келиб чиқмоқда.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Вангонча» тадбирлари ўтказилиб, аниқланган камчиликлар ва муаммолар юзасидан ҳокимликлар ва юқори ташкилотларга ахборотномалар тақдим этилди. Лекин айрим мутасадди раҳбарлар томонидан ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан берилган ёзма кўрсатмаларда белгиланган тадбирларнинг бажарилишига юзаси ёндошлиши ҳам кузатилмоқда.

Бу раҳбарлар ёнгин тез вақт ичида кенг майдонларга тарқалиб, инсонлар ҳаётига хавф туғдириши, давлат мулкига ҳам катта моддий зарар етказиши мумкинлигини наҳотки ёддан чиқарган бўлса?

У. ҲАСАНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
мутахассиси

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Молиявий барқарор, баҳамжихат меҳнат жамоасига эга ташкилотда ишлаш истагида бўлган фуқаролар диққатига!

Хўжалик ишлари бошқармаси бошлиғи лавозимига — олий маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турувчи, 45 ёшгача бўлган;

Секретарь-референт вазифасига (меҳнат келишуви асосида) — олий ёки ўрта махсус маълумотга эга, Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турувчи, 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

Танлов 2010 йил 20 декабрь куни Тошкент шаҳар, 1-Қорақамиш кўчаси, 1 а-уй манзили бўйича ўтказилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган фуқаролар куйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

- ариза;
- мутахассислиги бўйича диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасидан нусха (агар мавжуд бўлса);
- меҳнат фаолияти тўғрисида резюме (фотосурати билан);
- паспорт нусхаси.

Талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш 2010 йил 17 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 228-80-31, 228-80-32.

ИМКОНЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!

Тошкент Оқшоми Вечерний Ташкент

ОБУНА-2011

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига 2011 йил учун обуна давом этмоқда. Корхона ва ташкилотлар Тошкент почтамтининг туманлардаги филиаллари орқали пул ўтказиш йўли билан обуна бўлиши мумкин.

«Оқшом» сизнинг доимий ҳамроҳингиз ва ҳамкорингиз бўлиб қолсин.



га 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2 даража совуқ-3 даража илик, кундузи — 15-20 даража илик, шимол бўйича кечаси 2 даража совуқ-3 даража илик, кундузи — 10-15 даража илик бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 14 декабрь куни эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланишига имконият яратди, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 14 декабрь куни ҳаво кундузи — 10-15 даража илик бўлади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3 даража илик, кундузи — 18-20 даража илик бўлади.

Республикаимиз ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёнгинларнинг кутулмайди. Шарқдан секунди-

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрий-матбас акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 5



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2592 нускада босилди.
Козог бичими А-2